

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 72

« 28 » 08 2022 йил

Дангара тумани

«KONSTRUKSIYA INVEST MCHJ» MCHJ бундан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи, амалдаги корхона низомига асосан корхона раҳбари Сидикова Мухайёхон Сабитовна бундан буён матнда «Буюртматчи» деб юритилувчи амалдаги низомига асосан Дангара тумани МТБ мудирини номидан Рахмонова Гулчехраҳон Назировна шахсида иккинчи тарафдан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тuzдилар.

1. Шартнома предмети.

1.1. «Пудратчи» ўз зиммасига «Буюртматчи» нинг топшириғига кўра ўз материаллари ёки «Буюртматчи» нинг материалларидан Дангара тумани МТБ га қарашли 18-сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тулаш мажбуриятини олади.

2. Шартнома баҳоси

2.1. Шартнома баҳоси **218 800 000 (Икки юз ун саккиз миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.**

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қурилиш материалларини ҳам олади.

2.3. Шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган баҳо тахминийдир. Шартноманинг баҳоси «Буюртматчи» тақдим қиладиган лойиха-смета ҳужжатлари бўйича белгиланади. Шартноманинг баҳоси тарафларнинг ҳар иккаласи томонидан маъқулланиб, инфляция оқибатларига кўра ўзгариши мумкин. Шартнома баҳосидан ошиб кетиш билан боғлиқ харажатларни ҳақ тулаш ушбу шартноманинг 3-бандида назарда тутилган тартибда «Буюртматчи» томонидан амалга оширилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. Тўлов шакли пул ўтказиш (перечисление) йули билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома бўйича охириги ҳисоб-китоб «Пудратчи» томонидан охириги бажарилган ишлар ҳужжатлари олдинги қабул қилинган бажарилган ишлар ҳужжатлари ва қурилиш-таъмирлаш ишлари банк назоратидан ўтгандан кейин, кечиктирилмай (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қўшиб) «Буюртматчи» томонидан амалга оширилади.

“Пудратчи” томонидан бажарилган қурилиш ишлари тўлови Буюртмачи назорати ўлчовидан тўлиқ ўтгандан кейин «Буюртматчи» томонидан амалга оширилади.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.

4.1. «Пудратчи» ушбу шартноманинг 1-иловасида назарда тутилган, белгиланган иш режасида назарда тутилган (илова қилинади) муддатда бажарилади.

4.2. Шартноманинг амалда бўлиш муддати: « 28 » 08 2022 йилдан бошланади,
« 31 » 12 2022 йилга қадар амал қилади.

5. Тарафларнинг мажбуриятлари.

5.1. «Пудратчи».

5.1.1. «Пудратчи» бажарилган қурилиш ишларни ҳужжатларини «Буюртматчи» га топширади.

5.1.2. Ўз қучи ва воситаси билан белгиланган ҳажмда ва муддатда назарда тутилган барча ишларни тўла бажаришни ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатда «Бош пудратчи» га объектни қуриш-таъмирлаш ишларини ўз вақтида сифатли қилиб, ҚМҚ меъёрий қоидаларига ва техника-электр-транспорт хавфсизлигига ҳамда меҳнат муҳофазасига амал қилган ҳолда топшириши.

5.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши.

5.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномаларини тuzгани тўғрисида «Буюртматчи» га ахборот бериши ва у томонидан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши.

5.1.5. Техника хавфсизлик, ёнғин хавфсизлиги, объектларни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши.

5.2. «Буюртматчи»

5.2.1. Ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларда шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га ҳақ тўлаши.

5.2.2. «Пудратчи»дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб икки ҳафта ичида объектни қабул қилиши шарт.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. «Буюртматчи» кўрсатилган хизматлар ҳаққини ўз вақтида тўламаганлиги учун «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0.4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2. «Пудратчи» хизмат кўрсатиш муддатларини кечиктирганда, шартнома бўйича ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаган ҳолларда «Буюртматчи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси берилмаган товарлар баҳосининг 50%дан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Пеня тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилган ҳуқуқни бартараф этишдан озод этмайди.

7. Форс мажор ҳолатлари.

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида шу шартнома бўйича олган мажбуриятларини, тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан қўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатлар, бунга қўшиб уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги, фуқаролик тартибсизлиги вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кимирлаши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлари томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, «Буюртматчи» ва «Пудратчи» бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниши мумкин.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

8.1. Тарафларнинг ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судида қўрилишига тегишли бўлади.

9. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар.

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. «Буюртматчи» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-«Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан ошиб кетганда.

-«Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда

9.4. «Пудратчи» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-«Буюртматчи» томонидан «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж, таъмирлаш ишларининг бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда.

«Буюртматчи» томонидан лойиха ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳолда ишларнинг баҳоси __х__ фоиздан камайганда.

-«Буюртматчи» томонидан кейинчалик қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаш имконияти йўқотилганда.

«Буюртматчи» ва «пудратчи»нинг боғлиқлигидаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда. «Буюртматчи» «Пудратчи»га улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

10.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши евазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таъсирот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

10.3. Тарафлар-давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа русдаги устунликка ега бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдаи оинган даромад еканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли биан уриинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундан, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

10.4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига ега бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширмаи хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

10.5. Тарафлар уларнинг назорати остида боиган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

10.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қушимча шартларнинг + ва бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақида зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

11. Бошқа шартлар.

11.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари, жихозлар материаллар ҳамда ишчиларнинг меъёрида ишлашга қафолатланган муддати, унинг учинчи шахслар тарафидан кўзланган ниятда шикаст етказган ҳолларда бундан истисно қилинади, объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 12 ой давомида белгиланади.

11.2. Объектни ёпишга қафолатланган муддат 12 ой.

11.3. Агар объектнинг қафолатланган фойдаланиш давомида унинг меъёрида фойдаланишга йўл бермайдиган камчиликлар аниқланса, қафолат муддати улар бартараф қилингунга қадар бўлган вақтга узайтирилади. Камчиликларни бартараф қилиш «Пудратчи» ҳисобидан амалга оширилади.

11.4. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф қилиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртматчи» нинг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

11.5. Агар «Пудратчи» аниқланган камчиликлар далолатномасида кўрсатилган муддат ичида бажариладиган ишларнинг бунга жихозларни ҳам қўшиб, камчиликларни бартараф қилмаса, уларнинг «Буюртматчи» бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни «Пудратчи»га тўлатиш орқали бартараф қилишга ҳақли.

11.6. «Пудратчи» қурилиш-таъмирлаш объектининг лойиха ҳужжатларини ёки унинг айрим қисмларини «Буюртматчи» ёзма рухсатисиз бирорта учини шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

11.7. «Пудратчи» нинг айби билан объектни қуриш таъмирлаш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар «Пудратчи» томонидан, «Буюртматчи» нинг айби билан бўлса, «Буюртматчи» томонидан товон тўлайди. «Пудратчи» барча ҳолларда, хатто тегишли харажатларни буюртмачи қоплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни кўради.

11.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Пудратчи»

«KONSTRUKSIYA INVEST МЧЖ» МЧЖ

Манзил: Булок боши кучаси 2в уй

Тел: +998911232112

Асака-банк Кукон ш, филиали

х/р: 2020 8000 1050 3871 1001

МФО: 00631 ИНН: 306 245 157

М.С.Сидикова

М.У.



«Буюртматчи»

Дангара тумани МТБ

Дангара тумани Тошкент кучаси 4-уй

Тел:

х/р 2340 2000 3001 0000 1010

ОКОНХ; 97600

Марказий банк Тошкент шаҳри

Молия вазирлиги газначилиги

ш.х/р 100022860302367091100251038

МФО 00014 ИНН: 305 155 713

Г.Н.Рахмонова

М.У.





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG‘ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG‘ARA TUMAN ADLIYA BO‘LIMI
YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI

150500, Dang‘ara tumani, Toshkent ko‘chasi, 150-uy
Tel.:(998 73) 572 17 78, el. pochta: dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

“29” sentabr 2022 yil

Dang‘ara tumani
Maktabgacha ta‘lim bo‘limiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY

XULOSA

1. Loyihaning turi:

XO‘JALIK SHARTNOMASI

2. Loyihaning nomi:

Mahsulot yetkazib berish shartnomasi

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

Dang‘ara tumani Maktabgacha ta‘lim bo‘limi

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va amaldagi qonunlari, O‘zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risidagi qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasining Xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risidagi qonuni asosida o‘rganildi.

Shartnoma loyihasiga asosan pudratchi Konstruksiya Invest MCHJ, buyurtmachi esa Dang‘ara tuman Maktabgacha ta‘lim bo‘limi shartnomaning taraflari bo‘lib hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risidagi qonunining 13-moddasiga asosan yuqoridagi loyiha taraflar tomonidan imzolani b qonuniy kuchga kirgandan so‘ng 2022 yil 31 dekabrga qadarli amal qilish belgilangan.

O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risidagi qonunining 7-moddasiga asosan yuqoridagi shartnoma loyihasi bo‘yicha pudratchi Konstruksiya

Invest MCHJ tomonidan umumiy qiymati 218 800 000 so'mlik qurilish ishlarini bajarish hamda buyurtmachi Dang'ara tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi ushbu maxsulotlarni qabul qilish va o'z vaqtida to'lovni amalga oshirish majburiyatini olgan.

O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 25-moddasiga asosan yuqoridagi shartnoma bo'yicha taraflarning tovarlarni etkazib berish muddatlarini kechiktirib yuborganlik, to'liq etkazib bermaganlik, ishlarni bajarmaganlik yoki xizmat ko'rsatmaganlik uchun javobgarlik qonunga asosan belgilangan.

O'zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2021 yil 14-sentyabdagi PF-6313-son Farmonida 2022 yil 1-yanvardan xo'jalik yurituvchi subyektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog'liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar hamda O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi va Savdo-sanoat palatasining 2021 yil 12 noyabrdagi 1/4671, 01-19/7284,7/01-08-9544-son qarori bilan Xo'jalik yurituvchi subektlar tomonidan shartnomalar tuzishda qo'llash uchun tavsiyaviy xarakterga ega bo'lgan korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar yuqoridagi shartnomaga qo'shimcha ravishda kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-son qarori va O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 21-moddasiga asosan hulusa shartnomada ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni bilan tartibga solingan, shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan, taraflarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, amaldagi qonunlari va O'zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solingan, shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

**Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuristkonsulti:**



E.Y.Baymatov



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Дангара тумани Мактабгача таълими бўлими раҳбари

Г.Рахмонова

Дангара тумани Мактабгача таълими бўлими тасарруфидаги 18-ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари учун ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан утказилган комиссиянинг йиғилиши

1- СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ

2022 йил 23 сентябрь

Дангара шаҳри

Х.Туракулов	-Хизмат бўлими бошлиғи
С.Абдурасулов	-Инжнер
С.Кодирова	- Моддий бойликлархисобчиси комиссия аъзоси
Ш.Хақимова	- Моддий бойликлархисобчиси комиссия аъзоси
О.Содиқова	- комиссия аъзоси

кун тартибидаги масала:

Дангара тумани Гумойли МФЙга худудда жойлашган Мактабгача таълими бўлими тасарруфидаги 18 -ДМТТ биносини жорий таъмирлаш учун ажратилаётган бюджет маблағларини тугри йуналтириш тугрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Хизмат бўлими бошлиғи Х.Туракулов сўзга чиқиб, биносини таъмирлаш учун бюджет маблағлари хисобидан зарур маблағлар ажратилиши кераклигини гапириб утди.

Шундан сунг Дангара тумани Мактабгача таълими бўлим мудир Г.Рахмонова махсус таъмирлаш хизмати эксплуатация бўлими ходимлари назоратида МТБда комиссия тузилиб 18-МТТ биносини таъмирталаб жойларини урганганлиги ҳамда нуксон далолатномаси тузилганлиги ушбу асосида смета хужжатлари тайёрланганлиги айтиб утди .

Ушбу смета хужжатлари асосида etender.uzex.uz порталига Энг яхши таклифларни танлаш орқали голибни аниқлаш мақсадида жойлаштирилган . сунг камиссия аъзолари томонидан келиб тушган таклифлар урганилиб “ООО Konstruksiya Invest “ МЧЖ таклифи бир овоздан электрон овоз бериш йули билан билан бир овоздан мақулланди. Электрон йиғилиш баённомаси муҳокама қилиш учун etender.uzex.uz порталига жойлаштирилган. Икки иш кун муҳокама мобайнида бошқа катнашчилардан ҳеч қандай эътироз ва таклифлар келиб тушмаганлиги сабабли “ООО Konstruksiya Invest “ МЧЖ билан шартнома тушишга келишилди.

Х.Туракулов

-Хизмат бўлими бошлиғи

С.Абдурасулов

-Инжнер

С.Кодирова

- Моддий бойликлархисобчиси комиссия аъзоси

Ш.Хақимова

- Моддий бойликлархисобчиси комиссия аъзоси

О.Содиқова

- комиссия аъзоси



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KONSTRUKSIYA INVEST" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"KONSTRUKSIYA INVEST" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.03.2019

700367

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306245157

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Qo`qon shahri, Булоқ боши кўчаси, 2, V

Guvohnoma:

Farg'ona viloyati, Qo`qon shahri, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

